

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРДИЕВ ШАХБОЗ ШЕРМАМАТ УҒЛИ

МАССИВ ТУРДАГИ НЕФТЬ УЮМЛАРИДА ҚУДУҚЛАР  
МАХСУЛОТИНИ СУВЛАНИШ САБАБЛАРИНИ ВА МЕХАНИЗМИНИ  
АНИҚЛАШ

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

<b>Турдиев Шахбоз Шермамаг угли</b> Массив турдаги нефть уюмларида кудуқлар махсулотини сувланиш сабабларини ва механизмини аниқлаш.....	3
<b>Турдиев Шахбоз Шермамаг угли</b> Установление причин и механизма обводнения продукции скважин в нефтяных залежах массивного типа.....	17
<b>Turdiev Shakhboz Shermamat ugli</b> Establishment the causes and mechanism for watering well production in oil deposits of massive type.....	31
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	34

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc-03/05.06.2020.Т.03.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРДИЕВ ШАҲБОЗ ШЕРМАМАТ УҒЛИ

МАССИВ ТУРДАГИ НЕФТЬ УЮМЛАРИДА ҚУДУҚЛАР  
МАХСУЛОТИНИ СУВЛАНИШ САБАБЛАРИНИ ВА МЕХАНИЗМИНИ  
АНИҚЛАШ

04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/7567 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида бажарилган.  
Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб саҳифаси ([www.dftu.uz](http://www.dftu.uz)) ва "ZiyoNet" Аxbорот тaълим порталидa ([www.ziyoue.net](http://www.ziyoue.net)) joylashtirilgan.

**Илмий раҳбар:** **Закиров Азамжон Алмиджанович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий тақризчилар:** **Хўжаев Исмагулла Қўмасвич**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Акрамов Бахшилло Шафисвич**  
техника фанлари номзоди, профессор

**Ўзбекистонга» АЖ**

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc-03/05.06.2020.Т.03.06 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил "1" июнь соат "10:00" даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2, Муҳандислик технологиялари факультети, 215-хона. Тел/факс: (+99871) 246-46-00, факс: (+99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@dftu.uz](mailto:tstu_info@dftu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Аxbорот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 206-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2, Тел: (+99871) 246-03-41).

Диссертация авторферати 2021 йил "17" 05 кунги тарқатилди.  
(2021 йил "14" 05 даги 3 рақамли реестр баённомаси)



**Рахимов А.А.**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори

**Каримов Ш.А.**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Умедов Ш.Х.**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси Уринбосари, техника фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефть ва газ саноатини ривожлантириш келажақдаги улуши фақат ортиб борадиган, ишлашнинг охириг босқичида бўлган конларни ишлаш самардорлигини ва нефтнинг геологик захираларини олиш даражасини оширишга қаратилган. Бу конлардан нефть олиш суръати ва чиқариб олиш коэффициентиининг паслигини асосий сабаби, қудуқлар дебитининг камайиши ва олинаётган маҳсулот сувланишининг ортиши ҳисобланади. Бундай шароитдаги конларнинг ишлаш самардорлигини ошириш учун сув окимларини беркитиш, қудуқларнинг ишлаши режимларини ўзгартириш, маҳсулот олиш ораликларини кўчириш, қудуқларнинг бошланғич түрини зичлаштириш, қудуқлар маҳсулотининг юқори сувланганлиги шароитида, конларнинг геологик тузилишини максимал инобатга олган ҳолда асосланган геологик-технологик қарорларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қазиб олинаётган маҳсулотнинг юқори сувланганлик шароитидаги конларни ишлашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш, янги геологик ва технологик қарашларни асослаш орқали мавжуд ёндашувларни қайта кўриб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада қатламнинг нефтта тўйинган самарали қалинлик катталигини ва сизилиш-ҳажмий хоссаларини, тешиш оралиги ва сув-нефть контактидан масофани, қудуқлар түри зичлигини, нефть ва газ қазиб олиш навбатини ва суръатини, қатлам босимини ушлаб туриш усулини такомиллаштириш, қудуқлар қазиб олаётган маҳсулотнинг юқори сувланганлиги шароитларида ишлаш самардорлигини ва узоқ муддат ишлатиётган конлардан нефтнинг геологик захираларини олиш даражасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда ёнилги-энергетика комплексини ҳар томонлама ривожлантиришга, геологик ва гидродинамик моделлаштиришни замонавий дастурий мажмуалари ва замонавий технологияларни тadbик этиш, конларни лойиҳалаштириш ишлари сифатини орттиришга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида! "... ишлаб чиқаришга кенг қўламда энергия тежамкор технологияларни тadbик этиш, иктисодиётнинг тармоқларида мeхнат унумдорлигини ошириш, шунингдек саноат тармоқлари фаолиятини янги технологик юқори погоналарга кўтарилу учун ишлаб чиқаришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш..." белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда массив турдаги нефть уюмларини ишлаши самардорлигини ошириш, қудуқларнинг сувланиш сабаблари ва мeханзмиини ўрнатилу муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон "2015-2019

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, тузилмавий ўзгаришларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сон “2017-2021 йилларда углеводород хомашёларини казиб чиқаришни ошириш бўйича Дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2019 йил 9 июндаги ПҚ-4388 сон “Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа метъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларини қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нефть уюмларини ишлашнинг турли босқичлари ва геологик-физик шароитларида кудукларнинг сувланиш механизми ва сабабларини ўрганиш бўйича кўллаб назарий, табиий ва экспериментал тадқиқотлар амалга оширилган.

Нефть уюмларининг сўниш режимида ва маҳсулдор қатламларни сув бостириш усулларида ишлашда кудуклар сувланишининг турли сабабларини ўрганишга олимлардан Абдульмянов С.Х., Афанасьев В.А., Багаутдинов Р.А., Бойко В.С., Васильев В.А., Галлямов М.Н., Гусейнов А.Н., Закиров С.Н., Донцов К.М., Ибрагимов Л.Х., Кан А.Г., Кисляков Ю.П., Колеватов А.Н., Комиссаров А.Н., Кудиков В.И., Лисенко В.Д., Мищенко И.Т., Орлов, Г.А., Смирнов В.И., Сургучев М.Л. ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари бағишланган.

Ўзбекистондаги конларнинг геологик-физик шароитларида Назаров С.Н., Назаров У.С., Ирматов Э.К., Агзамов А.Х., Махмудов Н.Н., Сиплачев В.Н., Акрамов Б.Ш., Сидикхўжаев Р.К., Турсунов М.А., Асадова Х.Б., Қаршиев А.Х. ва бошқа олимлар ҳамда нефть ва нефть-газ конларини ишлатаётган мутахассислар тадқиқотлар олиб боришган.

Юқорида келтирилган олим ва мутахассислар тадқиқотининг кўрсатишича, нефть кудуклари сувланиши сабабларининг кўллиги ва мураккаблиги сув оқими йўлларини самарали чегаралаш қарорларини мураккаблаштиради, кудукларга сувнинг кириб келиш йўлларини ишончли аниқлаш усулларининг йўқлиги эса ишни яна ҳам қийинлаштиради. Шу сабабли турли геологик-физик шароитлардаги уюмларда, жумладан газ ости массив турдаги нефть уюмларида кудуклар тубига сув оқими келишининг олдини олиб, нисбатан узоқ вақт ишлатиш учун сувланиш механизминини ўрганиш ва янги технологик қарорларни ишлаб чиқиш зарур.

Хозирги вақтгача массив турдаги нефть уюмларида кудукларнинг сувланиш жараёни ва маҳсулдор қатламлари геологик турлигининг сувланиш суръатига таъсири даражасини аниқ ҳисоблаш усули ишлаб чиқилмаган.

Ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши сув оқимининг кудуклар тубига тез келишининг олдини олиш ва геологик захираларни нисбатан кўпроқ чиқариб олиш имконини берувчи қатламларни оқилана очиш оралигини ва кудукларнинг технологик ишлатиш режимини асослаш учун муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №65/13 «Шўртена кони ишлашнинг хозирги ҳолати таҳлили», №51/18 «Шакарбулоқ конида ишлашни барқарорлаштириш бўйича геологик-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг таҳлили», №55/19 “Жанубий Миршоди конида ишлашни барқарорлаштириш бўйича геологик-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг таҳлили” мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** массив турдаги нефть уюмларида ишлатилётган кудукларнинг сувланиш суръатини белгиловчи геологик-кон омилиларни аниқлаш ва кудуклар тубига сув оқимининг кириб келиш вақтини узайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

сув конуслари ҳосил бўлишини бартараф этиш вазифаларини ҳал этиш назарияси ва амалиётини тизимли умумлаштириш;  
кудуклар сувланиши суръатига геологик ва технологик омилиларнинг таъсири даражасини ўрнатиш;  
массив турдаги уюмлардан нефть олиш даражасини баҳолашнинг статистик моделини олиш;

газ-нефть ва сув-нефть туташ юзалари чегарасида ўтказмас экранлар яратиш бўйича технологик ечимларни ривожлантириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро-Хива нефтгазли худуддаги (БХНГХ) массив турдаги газости нефть уюмлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** массив турдаги газости нефть уюмларидаги кудукларнинг сувланиши жараёнига ўтказмас экранларнинг таъсирини ва боғлиқликларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Кон-геологик маълумотларни таҳлил этиш ва умумлаштириш математик статистика, регрессия таҳлил ва моделлаштириш усуллари қўлланилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

сув оқимини беркитиш ишларини ўтказиш заруратини асослаш имконини берадиган кудуклар маҳсулотининг сувланиш динамикасини белгиловчи геологик-физик ва технологик омилилар аниқланган;

маҳсулот олишни оптимал ташиш оралигини танлаш имконини берадиган сув-нефть ва нефть-газ ўтиш чегараларини катталигини, коллекторни ўтказувчанлиги, сув, нефть ва газ зичликларидан боғлиқлиги асосланган;

кудукларни сувсиз ва газсиз дебитли шароитда ишлашиш имконини берадиган газ-нефть туташ юзаси (ГНТЮ) ва сув-нефть туташ юзаси (СНТЮ) зоналаридаги ўтказмас қатламчаннинг энг кичик қалинлиги аниқланган;

геологик захираларини чиқариб олиш даражасини ва сурьятини орттириш бўйича геологик-техник тадбирларни асослаш имкониятини берадиган массив турдаги газ ости нефть уюмларининг нефтни чиқариб олиш коэффициентини ҳисоблаш статистик модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сувланиш динамикасига геологик-физик ва технологик омилларнинг таъсири даражасини ўрнатиш асосида сувланиш сурьятларини қамайтириш бўйича геологик-технологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

сув-нефть ва нефть-газ ўтиш чегаралари ҳисобга олиниб, маҳсулдор қатламни оқилона тешиш ораликларини танлаш асосида кудукларнинг нефть бўйича бошлангич дебитини аниқлаш йўли ишлаб чиқилган;

сув ва газ конусларисиз кудукларни ишлашиш мuddатини узайтириш учун СНТЮ ва ГНТЮ зоналарида табиий ўтказмас тўсиқларни танлаш йўли асосланган;

массив турдаги газ ости нефть уюмларидан нефть чиқариб олиш жараёнининг таклиф этилган модели асосида лойиҳаларда қабул қилинган нефть бераолишликни таъминлаш учун геологик-технологик тадбирлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлиги массив турдаги газ ости нефть уюмларининг амалий ишлаш кўрсаткичларини геологик-статистик моделлар билан ҳисобланган миқдорлари билан таққослаш ва ўрнатилган боғлиқликларнинг юқори корреляция коэффициентлари ҳамда кудукларнинг сувланишини қамайтириш бўйича жорий этилган тавсияларнинг самарадорлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти массив турдаги БХНГҲдаги газ ости нефть уюмларининг ишлаш тажрибасини тизимли умумлаштириш, қатламларнинг нефть бераолишлигига геологик-физик ва технологик омилларнинг таъсири даражасини аниқлаш, нефть олиш коэффициентини аниқлашнинг геологик-статистик моделини яратиш ва маҳсулдор қатламларнинг геологик хилма-хиллигидан фойдаланиш асосида ўтказмас экранларни яратиш бўйича технологик ечимлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти массив турдаги газ ости нефть уюмларининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва кудук тубига сув ҳамда газ конуслари ёриб ўтишларисиз кудукларни узоқ мuddат ишлашиш учун ўтказмас экранлар сифатида фойдаланиладиган зич жинсли

қатламчаларнинг минимал қалинлигини асослаш ҳамда газ-нефть ва сув-нефть ўтиш зонаси қалинлигини ажратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Массив турдаги нефть уюмларида кудуклар маҳсулотининг сувланиш сабабларини ва механизмини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сув йўллари бекитиш ва маҳсулдор қатлам ораликларини кўшимча қайта очиш технологияси “Анджоннефть” АЖнинг Анджон конларидаги №№ 865, 61, 79, 77 ва Жанубий Оламушук конидаги №№ 784, 787, 788, 789 сонли кудукларда амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2020 йил 14 сентябрдаги 05-25-1-106 сон маълумотномаси). Натижанда, кудукларнинг сувланганлигини 2-6 % қамайтириш ва кўшимча 1951 т нефть олиш (2016-2018 йй.) имконини берган;

сув йўллари бекитиш ва маҳсулдор қатлам ораликларини сув-нефть ва газ-нефть ўтиш зоналарини ҳисобга олиб қатламни кўшимча қайта очиш технологияси “Гиссарнефтгаз” МЧЖ ҚҚнинг Шакарбулоқ конидаги №№ 30,33 ва Бешкент конидаги № 21 сонли кудукларда амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2020 йил 14 сентябрдаги 05-25-1-106 сон маълумотномаси). Натижанда, кудукларнинг сувланганлигини 7-10 % қамайтириш ва кўшимча 6363 т нефть (2016-2019 йй.) олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши натижалари 26 та нашрда эълон қилинган, улардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий-техник журналларда, шу жумладан 3 таси Республика, 1 таси чет эл журналларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 боб, умумий ҳулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 132 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларига баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Газ ости нефть уюмларининг ишлаш муаммолари ва жорий ҳолати таҳлили” деб номланган биринчи бобда БХНГҲ газ ости нефть уюмлари (ГОНУ) кўп тарқалиб бораётган ва ишлаш учун энг мураккаб турдаги углеводород тўпланмаси эканлиги кўрсатилган. Амалдаги

таснифлаштиришга кўра улар, асосан, нефть хошияли газконденсат конлар турига мансуб. ГОНУ олинмаган нефть захиралари микдорига кўра йирик (Кўкдумалоқ) ва кичик конлар (Шимолий Памук, Умид, Жанубий Кемачи, Арниёз, Крук ва бошқалар) тоифаларига киради. Газнинг газ дўппидаги геологик захиралари йирик (Жанубий Кемачи, Кўкдумалоқ), ўрта (Шимолий Памук, Умид) ва кичик (Крук, Арниёз, Ғарбий Крук) тоифаларга мансуб.

Ушбу конларнинг асосий геологик-физик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- уюмларнинг массив турлилиги;
- нефть, газ ва конденсат захираларининг филтрацион-ҳажимий хоссалари ва геологик турлилиги билан кескин фарк килувчи XV-Р ва XV-РУ маҳсулдор горизонтларда жамланган;
- XV-РУ горизонти кумлилик коэффициенти кичик (0,28-0,38) ва табақаланиш коэффициенти катта бўлган зич ва говакли жинсларнинг алмашинувидан ташкил топган;
- XV-Р горизонти деярли монолит тузилишга эга бўлиб, кумлилик коэффициенти 0,85-0,92 ва табақаланиш коэффициенти 1-2ни ташкил этади;
- ҳамма нефть уюмлари остки сувлар устида бўлиб, бутун майдон бўйлаб сув билан туташ юзага эга;
- кўллаб объектларда нефть уюмида нефтта тўйинган қалинликнинг кичиклиги.


Ҳозирги вақтда БХНГ Ҳда ГОНУнинг нефть қисмидан нефть олиш ва газ қисмидан озод газ олишни ўзаро боғламасдан турли режимларда ишлаш бўйича катта тажриба тўлланган. Крук кони сув бостириш, Кўкдумалоқ кони бир вақтда сув ва газ хайдаш, қолган конлар эса табиий сўниш режимларида ишлатилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳамма конлар кичик нефть олиш суръатлари (0,028-1,58 %) ва кудуклардан олинаётган маҳсулотнинг катта сувланганлиги (77,5-91,8 %) билан хусусиятланувчи охириги ишлаш ҳолатидадир.

Тадқиқот этилаётган объектларда конларнинг геологик-физик шароитлари ва жорий этилган ишлаш тизимларига боғлиқ равишда турли катталиқдаги нефть чиқариб олиш даражасига эришилган.


Энг катта нефть бераолишлик коэффициенти катта нефтта тўйинган қалинликка эга ва нисбатан зич кудуклар тўри (4,1-8,7 га/кудук), қатлам босимини ушлаб туриш усуллари қўлланилиб ишлатилаётган Крук - 38,4 % ва Кўкдумалоқ конларида 54,1 % га эришилган. Коннинг самарали нефтта тўйинган қалинлиги 8-12 м, кудуклар тўрининг зичлиги 8-10 га/кудук бўлган ва газ дўппидаги газ захиралари консервация қилиниб, дастлаб нефть олиш тизими жорий қилинган конларда нефть бераолишлик коэффициенти 5,21 % дан 11 % гача, кудуклар тўри 28 дан 36 га/кудук объектларида эса 5 % гачани ташкил этади (1-расм).

Кудуклар маҳсулотининг ўртача сувланганлигига конларнинг геологик-физик шароитларининг ва жорий этилган ишлаш тизимларининг катта таъсир этганлиги кўрсатилган. Сувни бошлангич СНТЮ остига хайдаш ва нефть олиш ораликларини бирин-кетин жорий СНТЮдан ГНТЮгача кўтариб бориш

Крук ва Кўкдумалоқ конларида кудукларнинг 8-10 йил мобайнида деярли сувсиз маҳсулот олиб ишлатилишини таъминлади.



1-расм. Конларни ишлаш даврида кудуклар маҳсулотининг ўртача сувланганлик динамикаси



2-расм. Қатлам ювилиш коэффициенти, улуш бирлигида

- 1 - Кўкдумалоқ кони; 2 - Шимолий Ўртабулоқ кони; 3 - Крук кони; 4 - Жанубий Кемачи кони; 5 - Умид кони

Бу даврда Крук конида олиниши мумкин бўлган нефть захираларининг 25 % ва геологик захираларининг 12 % ни олишга эришилди, Кўкдумалоқ конида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 44 % ва 22 % ни ташкил этган.

Конларда жорий этилган ишлаш тизимлари турли самарадорлигининг нефть бераолишлик коэффициенти катламнинг ювилганлик даражасига (олинган жами суюқлигининг бошлангич геологик нефть захирасига нисбатидан) боғлиқлиги орқали ифодаланган (2-расм). Ушбу боғлиқлик ҳамма конлар учун даражали функция билан тавсифланади:

$$НБК = 0,5782\tau^3 - 1,2419\tau^2 + 1,0639\tau + 0,0013. \quad (1)$$

Олинган (1) боғлиқликдан газ ости нефть уюмларида юқори нефть бераолишлик коэффициентига эришиш учун катламнинг ювилганлик даражасини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш кераклиги келиб чиқади.

Диссертациянинг “Газ ости нефть уюмлари кудуклари сувланишини ўрганиш усуллари ва сабаблари” деб номланган иккинчи бобида газ ости нефть уюмларининг геологик-физик шароитлари ва ишлаш технологиялари боғлиқ равишда кудукларнинг сувланиши сабаблари турлича бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Шу сабабли бу муаммони ўрганиш учун геологик-кон маълумотларининг сони ва сифатига боғлиқ равишда турли тадқиқот усуллари қўлланилди. Ҳамма усулларнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари бор. Кудукларни ишлаш жараёнида энг ишончли натижалар ГНТЮ ва СНТЮларнинг жорий ҳолатини аниқлаш имконини берувчи кудукларнинг махсус геофизик тадқиқотларидан олинади. Аммо БХНГХи газ ости нефть уюмларидаги кудукларда геофизик тадқиқотлар асосан кудукларни ўзлаштириш даврида ўтказилиб, қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун етарли эмас. Шу сабабли кудукларни ишлаш жараёнида ГНТЮ ва СНТЮлари жорий ҳолатини аниқлаш учун билвосита ҳисоблаш усуллари кенг қўлланилмоқда.

БХНГХ газ ости нефть уюмларидаги кудукларнинг сувланиш сабабларини ўрганиш натижасида 61% ҳолатда уларда сув конусларининг ҳосил бўлиши, 19% ҳолатда махсулдор қатлам оралигида цементлаш сифатининг пастлиги (сув оқимининг колонна ташқарисидан келиши); 12% ҳолатда колоннанинг терметик эмаслиги ва 8% ҳолатда бошқа сабаблар билан боғлиқлиги аниқланган.

БХНГХ газ ости нефть уюмларидаги кудукларнинг сувланишига геологик-кон маълумотларининг таъсири даражаси Кольбак ўлчамидан фойдаланиб, қуйидаги формула бўйича баҳоланган:

$$I(x_j^i) = DK(x_j^i) \frac{1}{2} \left[ P_A^{\frac{x_j^i}{2}} - P_B^{\frac{x_j^i}{2}} \right], \quad (2)$$

бу ерда  $DK(x_j^i)$  - диагностика коэффициенти,  $j$ -омил;  $P_A^{\frac{x_j^i}{2}}$  ва  $P_B^{\frac{x_j^i}{2}}$  -  $A$  ва  $B$  гуруҳлари учун диагностика коэффициенти.

Тадқиқот объектларининг геологик-кон маълумотлари учун бажарилган ҳисоблар натижасида массив турдаги уюмларда кудуклар махсулотининг ўртача сувланиш катталигига асосий таъсири кудуклар турри зичлиги

( $J = 15,38$ ) ва нефть уюми ҳажмининг бутун нефтьгазага тўйинган ҳажмига нисбати ( $J = 9,26$ ) ўтказиши аниқланган. Бунда қатлам нефтининг қовушқоқлигини ва махсулдор қатлам ўртача ўтказувчанлигининг кичик оралликда ўзгариши сабабли уларнинг қудуклар махсулоти сувланишига таъсири нисбатан кичик бўлган. Корреляцион таҳлил натижасида нефть олиш коэффициенти баҳолаш учун қуйидаги кўринишдаги статистик моделъ олинди:

$$НБК = 0,0071h_n + 0,0616V_n/V_y - 0,0037S + 0,0070B, \quad (3)$$

Бу ерда  $h_n$  - қатламнинг самарали нефтьга тўйинган қалинлиги (м);  $V_n/V_y$  - уюмнинг нефтли қисми ҳажмининг уюм ҳажмига нисбати ( $m^3/m^3$ );  $S$  - қудуклар турри зичлиги (га/қудук);  $B$  - қудук махсулотининг ўртача сувланганлиги (%).

Ҳисоблар натижаларининг таҳлили БХНГХдаги газ ости нефть уюмларидан нефтни чиқариб олиш даражасига, объектлардаги қатлам нефтининг қовушқоқлиги ва коллекторларнинг ўртача ўтказувчанлиги яқин бўлганда, энг катта таъсири нефтьга тўйинган самарали қатлам қалинлиги ва қудуклар турри зичлиги ўтказиши, нефтьга тўйинган ҳажмининг уюмнинг бутун ҳажмига нисбати ва қудуклар махсулотининг сувланиши нисбатан кам таъсир этади.

Диссертациянинг “Махсулдор горизонтлар геологик хилма-хиллигидан фойдаланиш асосида сув оқимини чеклаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида коллекторда нефть, газ ва сувни зичлиги бўйича дифференциал бўлиши ва уларни ажратиш чегараси ГНТЮ ва СНТЮларининг сирти бўйича ўтказилиши келтирилган. Бунда нефть ва газ захираларини ҳисоблаш, ГОНУни лойихалаштириш даврида технология қарорларини қабул қилиш, айниқса тешиш ораликларини ва уларнинг катталигини танлаш учун ГНТЮ ва СНТЮларининг ўтиш зоналарини ҳисобга олиб аниқлаш ўта муҳим ҳисобланади.


Ушбу муаммонинг тадқиқот натижаларини умумлаштириш орқали газга, нефтьга ва сувга тўйинган кесимларнинг шартли равишда бешта ўзига хос зоналарга бўлиниши кўрсатилган: газли; газдан нефтьга ўтиш зонаси; нефтли; нефтдан сувга ўтиш зонаси ва сувли.

БХНГХ ГОНУдаги қудукларнинг кон-геофизик тадқиқотлари, тешиш ораликлари ва синаш натижалари ҳамда ишлатиш кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, газдан нефтьга ўтиш зонаси қалинлиги 1,0-1,5 м ораликда, сувдан нефтьга ўтиш зонаси қалинлиги эса 2 м ва ундан ортқ бўлиши кўрсатилган.


Ҳисоблар натижасида коллекторларнинг ўтказувчанлиги газ, нефть ва сувларнинг зичлигига боғлиқ равишда сув-нефть ўтиш зонаси баландлиги 1 м дан 10 м ораликда ўзгариши мумкинлиги, нефть-газ зонаси учун эса бу катталиқ анча кичиклиги кўрсатилган. Ушбу ҳулоса БХНГХ ГОНУларидаги қудукларнинг махсулдор қатламини оқилона тешиш ораликларини ва ишлатиш технологик режимларини танлаш учун катта аҳамиятга эга. Қудукларнинг тубига сув ва газ конуслари ёриб киришининг олдини олишда энг истиқболли йўналиш ГНТЮ ва СНТЮ зоналарида ўтказмас ёки динамик тўсиқлар яратиш эканлиги асосланган.

БХНГХдаги ГОНУнинг геологик-физик шароитлари учун Маскет-Чарний модели бўйича бажарилган ҳисоблар билан СНТЮ зонасида 1,6 м ли тўсиқнинг бўлиши қудуқларнинг чегаравий дебитини 11,5 м<sup>3</sup>/сут дан 23 м<sup>3</sup>/сут га, яъни икки маротаба ошириш имконини бериши кўрсатилган.

Тадқиқот объектлари учун жами олинган нефтнинг жами олинган суюқлик ва газдан боғлиқликлари тузилиб (3, 4-расмлар), кам газ ва сув олинган қудуқлар ажратилди.



3-расм. Жанубий Кемачи кони қудуқлари бўйича жами олинган нефтнинг жами олинган суюқликка боғлиқлиги



4-расм. Жанубий Кемачи кони қудуқлари бўйича жами олинган нефтнинг жами олинган газга боғлиқлиги

Қудуқларнинг геофизик тадқиқотлари маълумотлари таҳлили ушбу қудуқлар кесимида ГНТЮ ва СНТЮ зоналарида зич, ўтказувчан бўлмаган жинсли қатламчалар борлигини кўрсатди. Бунда бошқа қудуқларда кузатилаётганига нисбатан узок муддат газенз ва сувенз ишлаш фақат ГНТЮ зонасида калинлиги 3 м дан, СНТЮ зонасида эса 2 м дан кичик бўлмаган зич қатламчалар бор бўлган холларда кузатилади. Ушбу ҳулосадан БХНГХ ГОНУдаги қудуқларда нефть ва газ олиш оралликларини ўзгартириш, қўшимча отиш ҳамда сув йўлларини беркитиш бўйича геологик-технологик тадбирларни режалаштиришда фойдаланиш тавсия этилади.

## ХУЛОСА

“Массив турдаги нефть уюмларида қудуқлар маҳсулотини сувланиш сабабларини ва механизмини аниқлаш” мавзуси бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси тадқиқоти натижалари асосида илмий янгилик, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилди ва қуйидаги назарий ҳулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилди:

1. Бухоро-Хива нефтгазли ҳудудида газ ости нефть уюмлари кўп тарқалиб бораётган ва ишлаш учун энг мураккаб турдаги углеводород тўпланмаси ҳисобланади. Амалдаги Ҳаснифлаштиришларга кўра, улар асосан нефть хошияли газконденсат қонлари турига мансуб. ГОНУ олиннадиган нефть захиралари микдорига кўра йирик (Кўкдумалок) ва кичик қонлар (Шимоллий Памук, Умид, Жанубий Кемачи, Арнийез, Крук ва бошқалар) тоифасига кирди. Газнинг газ дўпписидаги геологик захиралари йирик (Кўкдумалок, Жанубий Кемачи), ўрта (Шимоллий Памук, Умид) ва кичик (Крук, Арнийез, Фарбий Крук) тоифаларга мансуб.

2. Массив турдаги газ ости нефть уюмларининг геологик-физик шароитлари ва жорий этилган ишлаш тизимларига боғлиқ равишда турли қатгалликдаги нефть бераолишлик коэффициентига эришилган. Энг катта нефть бераолишлик коэффициенти катта нефтьга тўйинган қалинликка эга ва нисбатан зич қудуқлар тури жойлаштирилиб, қатлам босимини ушлаб туриш усули қўлланилиб ишлатилаётган Крук (38,4%) ва Кўкдумалок (54,1%) қонларида эришилган. Қоннинг самарали нефтьга тўйиниш қалинлиги 8-12 м, қудуқлар тўйининг зичлиги 8-10 га/қудуқ бўлган ва газ дўпписидаги газ захиралари консервация қилиниб, дастлаб нефть олиш тизими жорий қилинган қонларда нефть бераолишлик коэффициенти 5,21% дан 11% гача, қудуқлар тури 28 га/ қудуқ дан 36 га/ қудуқ объектларда эса 5% гачани ташкил этади.

3. Қудуқлар маҳсулотининг ўртача сувланганлигига қонларнинг геологик-физик шароитлари ва жорий этилган ишлаш тизимларининг катта таъсир этганлиги кўрсатилган. Сувни бошланғич СНТЮ остига ҳайдаш ва нефть олиш оралликларини бирин-кетин жорий ГНТЮгача кўтариб бориш Крук ва Кўкдумалок қонларида қудуқларнинг 8-10 йил мобайнида деярли сувенз маҳсулот олиб ишлатилишини таъминлади. Бу даврда Крук қонида олиннадиган нефть захираларининг 25%и ва геологик захираларининг 12% ини олишга эришилди, Кўкдумалок қонида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 44% ва 22% ни ташкил этган.

4. Бухоро-Хива нефтгазли ҳудудида газ ости нефть уюмларидаги қудуқларнинг сувланиш сабабларини ўрганиш натижасида 61% ҳолатда уларда сув қонусларининг ҳосил бўлиши, 19% да маҳсулдор қатлам ораллигида цементлаш сифатининг пастлиги, 12% да колоннанинг герметик эмаслиги ва 8% да бошқа сабаблар билан боғлиқлиги аниқланган. Тадқиқот объектларининг геологик-қон маълумотлари учун Қульбақ ўлчами сувланиши катталлигига асосий таъсирни қудуқлар тури зичлиги ва нефть уюми



хажмининг бутун нефттага тўйинган ҳажмга нисбатига ўтказиш аниқланди. Бунда қатлам нефти қовушқоқлиги ва маҳсулдор қатлам ўтказувчанлигининг кичик оралиғида ўзгариши сабабли уларнинг қудуқлар маҳсулотининг сувланишига таъсири нисбатан кичик бўлади.

5. Корреляцион таҳлил натижасида нефть олиш коэффициентини баҳолаш учун статистик модель яратилди. Ҳисоблар натижаларининг таҳлили БХНГҲдаги газ ости уюмларида нефть бераолишлик даражасига қатлам нефтининг қовушқоқлиги ва коллекторларнинг ўртача ўтказувчанлиги яқин бўлганда, энг катта таъсири нефтьга тўйинган самарали қатлам қалинлиги ва қудуқлар тўри зичлиги ўтказиши кўрсатилди. Олинган математик модель массив турдаги БХНГҲ ГОНУда нефть бераолишлик коэффициентини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланишга тавсия этилди.

6. БХНГҲ ГОНУдаги қудуқларнинг кон-геофизик тадқиқотлари, тешиш оралиқлари ва синаш натижалари ҳамда ишлатиш кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, газдан нефтьга ўтиш зонаси қалинлиги 1,0-1,5 м оралиқда, сувдан нефтьга ўтиш зонаси қалинлиги эса 2 м ва ундан ортиқ бўлиши аниқланган. Ҳисоблашлар натижасида коллекторларнинг ўтказувчанлиги газ, нефть ва сувларнинг зичлигига боғлиқ равишда сув-нефть ўтиш зонаси баландлиги 1 м дан 10 м оралиқда ўзгариши мумкинлиги, нефть-газ зонаси учун эса бу қатталик анча кичиклиги кўрсатилган. Ушбу ҳулоса БХНГҲ ГОНУларидagi қудуқларнинг маҳсулдор қатламини оқилона тешиш оралиқларини ва ишлатиш технологик режимларини асослаш учун тавсия этилди.

7. Қудуқларнинг тубига сув ва газ конуслари ёриб киришининг олдини олишнинг энг истиқболли йўналиши ГНПЮ ва СНПЮ зоналарида ўтказмас ёки динамик тўсиқлар яратиш эканлиги асосланган. БХНГҲдаги ГОНУнинг геологик-физик шароитлари учун Маскет-Чарний модели бўйича бажарилган ҳисоблар билан СНПЮ зонасида 1,6 м ли тўсиқнинг бўлиши қудуқларнинг чегаравий дебитини 11,5 м<sup>3</sup>/сут. дан 23 м<sup>3</sup>/сут. га, яъни икки мартаба ошириш имкониятини бериши кўрсатилган.

8. Тадқиқот объектлари учун жами олинган нефтнинг жами олинган суюқлик ва газга боғлиқликлари қурилиб ҳамда қудуқларда ўтказилган геофизик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилиниб, ГНПЮ зонасида қалинлиги 3 м дан, СНПЮ зонасида эса 2 м дан кичик бўлмаган зич жинели қатламчалар бўлганда қудуқлар бошқаларига нисбатан узок мулдат сувсиз ва газсиз ишлаши асосланган. Ушбу ҳулоса маҳсулот олиш оралиқларини ўзгартириш ва қўшимча отиш ҳамда сув йўлларини беркитиш бўйича геологик-технологик тадбирларни режалаштиришда фойдаланишга тавсия этилади.

### ТУРДИЕВ ШАХБОЗ ШЕРМАМАТ УГЛИ

## УСТАНОВЛЕНИЕ ПРИЧИН И МЕХАНИЗМА ОБВОДНЕНИЯ ПРОДУКЦИИ СКВАЖИН В НЕФТЯНЫХ ЗАЛЕЖАХ МАССИВНОГО ТИПА

04.00.13 - Разработка и эксплуатация нефтяных и газовых месторождений

## АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.1.PHD/T567.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tdtt.uz](http://www.tdtt.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyouNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:**  
Закиров Азамжон Алимджанович  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**  
Хўжаев Исмаилюлла Кўшаевич  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Акрамов Бахшилло Шафиевич  
кандидат технических наук, профессор

**Ведущая организация:**  
АО «Узбекнефтегаз»

Защита диссертации состоится «1» июня 2021 года в «10:00» часов на заседании Научного Совета DSс.03.05.06.2020.1.03.06 при Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100097, г.Ташкент, ул. Университетская, 2, факультет Инженерных технологий, ауд. 215. Тел.: +(99871) 246-46-00, факс: +(99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@tdttu.uz](mailto:tstu_info@tdttu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано за №206). (Адрес: 100097, г.Ташкент, ул. Университетская, 2, Тел.: +(99871) 246-03-41).

Автореферат диссертации разослан «17» 05 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 1 от 17.05 2021 года).



**Рахимов А.А.**  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук

**Каримов Ш.А.**  
ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по техническим наукам

**Умиев Ш.Х.**  
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, доцент

## Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире развитие нефтегазовой промышленности направлено на повышение эффективности разработки и степени извлечения геологических запасов нефти месторождений находящихся в поздней стадии эксплуатации, доля которых в перспективе будет только увеличиваться. Снижение дебитов и рост обводненности добываемой продукции скважин является основной причиной низкого темпа отбора и коэффициента извлечения нефти из этих месторождений. Для повышения эффективности разработки месторождений в этих условиях проводятся: изоляция водопритоков, изменение технологических режимов работы скважины, перенос интервалов отбора продукции, уплотнение первоначальной плотности сетки скважин, в условиях высокой обводненности продукции скважин разработка геолого-технологических решений основанных на максимальном учете геологического строения месторождений имеет важное значение.

В мире проводятся научные исследования по разработке методологических основ эксплуатации месторождений, пересмотру существующих подходов путем обоснования новых геологических и технологических взглядов в условиях высокой обводненности добываемой продукции. При этом особое внимание уделяется эффективной нефтенасыщенной толщине и фильтрационно-емкостным свойствам пласта, интервалу перфорации и расстоянию от водонефтяного контакта, плотности сетки скважин, очередности и темпов отбора нефти и газа, совершенствованию методов поддержания пластового давления, повышению эффективности разработки и степени извлечения геологических запасов нефти длительно эксплуатируемых месторождений в условиях высокой обводненности добываемой продукции скважин.

В республике особое внимание уделяется все стороннему развитию топливно-энергетического комплекса, уделением особого внимания внедрению современных технологий и программных комплексов геологического и гидродинамического моделирования, повышению качества проектных работ месторождений достигается определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> определена необходимость широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий, повышения производительности труда в отраслях экономики, а также продолжения политики стимулирования производства для подпитки на новый технологический уровень деятельности отраслей промышленности. Исходя из этого, установление причин и механизма обводнения продукции скважин, повышение эффективности

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан Пф-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

разработки нефтяных залежей массивного типа имеет важное научное и практическое значение. Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и №УП-4707 от 4 марта 2015 г. «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства в 2015-2019 гг.», Постановлениями №ПП-2822 от 9 марта 2017 г. «Об утверждении Программы по увеличению добычи углеводородного сырья на 2017-2021 годы» и ПП №4388 от 9 июля 2019 г. «О мерах по стабильному обеспечению экономики и населения энергией ресурсами, финансированию оздоровлению и совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VIII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

**Степень изученности проблемы.** Изучению причин и механизма обводнения скважин в различных геолого-физических условиях и стадиях разработки залежей нефти посвящено большое количество теоретических, промысловых и экспериментальных исследований.

Изучению различных вопросов обводнения скважин при разработке залежей нефти в режимах истощения и заводнения продуктивных пластов посвящены работы Абдульмянова С.Х., Афанасьева В.А., Багаутдинова Р.А., Бойко В.С., Васильева В.А., Галлямова М.Н., Гусейнова А.Н., Закирова С.Н., Донцова К.М., Ибрагимова Л.Х., Кан А.Г., Кислякова Ю.П., Колесатовой А.Н., Комиссарова А.Н., Кудимова В.И., Лысенко В.Д., Мищенко И.Т., Орлова Г.А., Смирнова В.И., Сургучева М.Л. и др.

Исследованиями данной задачи применительно к геолого-физическим условиям месторождений Узбекистана занимались Назаров С.Н., Назаров У.С., Ирматов Э.К., Агзамов А.Х., Махмудов Н.Н., Сипачев В.Н., Акрамов Б.Ш., Сидикходжаев Р.К., Турсунов М.А., Асадова Х.Б., Каршиев А.Х. и многие другие ученые и специалисты, занимающиеся разработкой нефтяных и газонефтяных месторождений.

Результаты исследований вышеперечисленных ученых и специалистов показывают, что большое разнообразие и сложность процесса обводнения нефтяных скважин обуславливают трудность эффективного решения проблемы ограничения водопритокков, которая ещё больше усугубляется отсутствием надежных методов определения путей поступления воды в скважину. В связи с этим необходимо изучение механизма обводнения скважин при различных геолого-физических условиях залежей, в том числе подгазовых нефтяных залежей массивного типа, нахождение новых технологических решений, направленных на относительно длительное функционирование скважин без прорывов воды к их забоям. До настоящего времени не имеется точной методики расчета процесса обводнения скважин

залежей нефти массивного типа и степени влияния геологической неоднородности продуктивных пластов на темпы роста обводнения.

